

***Сиёсий мафкуралар амалиётида дин ва диний бағрикенглик
масалаларига ёндашувлар***

*Тураев Аббар Салоҳиддинович, Жиззах давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси, тел: +998933091877.*

Аннотация. Ушбу мақолада сиёсий мафкуралар амалиётида дин ва диний бағрикенглик масалаларига ёндашувлар ҳақида таҳлилий маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Сиёсий мафкура, АҚШ, неоконсерватив қарашлар, И.Кристол, либерализм, С.Филлипс, Н.Подгорец

Замонавий сиёсий мафкуралардан бири бўлган АҚШ неоконсерватив қарашлар тизимида маданият ва дин жамият барқарорлининг муҳим омили сифатида эътироф этилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик тадқиқотчилар неоконсерватив мафкуранинг ижтимоий-маданий ва диний жиҳатлари бошқа мафкуралардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туришини таъкидлашади.

Диний ва ижтимоий-маданий анъаналар кўпинча ижтимоий-фалсафий ва мафкуравий-сиёсий консерватизм билан ўзаро боғлиқдир. Дин ҳар доим анъанавий қадриятларнинг манбаи бўлиб келган. Дин инсоният ҳаёт тарзининг бир қисми сифатида маданий анъаналар билан чамбарчас боғлиқдир. Консерватив қарашларда кишилик жамияти хавф остида қолганда дин ва ахлоқ мавжуд тизимни ва одатдаги турмуш тарзини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам асоси сифатида қаралиб келинган. Демак, неоконсерватизмнинг ижтимоий-маданий ва маънавий-ахлоқий муаммоларга қизиқиши тасодифий эмас.

Янгича шаклланаётган неоконсерватив мафкура давлат сиёсатининг назарий-концептуал асоси бўлишга интилни. АҚШ неоконсерватизми етакчиларидан бири И.Кристол “ғоявий бўлмаган сиёсат қуролсиз

сиёсатдир”¹, деб таъкидлагани ҳам бежизга эмас.

Неоконсерватив мафкурада ижтимоий-маданий ва ахлоқий муаммоларга қизиқишнинг кучайиши ташқи сиёсатнинг энг самарали воситаларидан бирига айланган давлатлараро муносабатлар характериға маданият омили таъсирининг ортиши тенденцияси билан узвий боғлиқдир. “Маданий устунлик” ва “маданий ҳукмронлик” каби тушунчалар глобал ахборот маконининг мафкуравий таркибий қисмини мустаҳкамлаб, геосиёсий луғатда муносиб ўрин эгаллади. “Маданий экспанция” қудратли давлат ҳокимиятининг асосий белгиларидан бирига, қадриятлар, институтлар ва демократияни тарқатишнинг энг муҳим воситаси сифатида намоён бўла бошлади.

Неоконсерваторлар инсоннинг ахлоқий муаммоларига, одамларни ҳаётга йўналтирадиган ахлоқий асослар ва ғояларга катта эътибор беришди. Улар иқтисодий қийинчиликлар, ижтимоий зиддиятнинг ўсиши, жамиятнинг маънавий парчаланиши, худбинлик ва ижтимоий ҳасадни ушбу руҳий инқирознинг натижалари сифатида талқин қилишади. Неоконсерваторлар ҳаёт синовидан ўтган ахлоқий тамойилларга қайтишни ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим кафолати деб билишади. Шу жиҳатдан, неоконсерватив дунёқараш комплексининг афзаллиги сифатида у одамни ўтмиш меросидан ёки ҳозирги воқеликдан ажратиб юбормаслиги, ўзгаришлар оқимида уни ахлоқий ва диний ғоялар орқали олам билан боғлаши каби жиҳатларига эътибор қаратиш тарғиб қилинади. Чунки, анъанавий қадриятларнинг рад этилиши янги консерваторлар томонидан замонавий жамиятдаги барча салбий ҳодисаларнинг асосий сабаби сифатида баҳоланади. Масалан, С.Филлипс АҚШ келажаги учун асосий хавфни географик, ирқий, гендер, сиёсий ва шунга ўхшаш белгилар бўйича аҳолининг бўлиниши ва яккаланишида кўради².

АҚШдаги янги консерватив йўналишлар эътиборидаги муҳим

¹ Commentary. – February. – 1984. – P. 45.// Гаджиев К. Консерватизм в современном мире: кризис или возрождение?// Власть. – 2013. - №01. – С. 65.

² Гаджиев К. Современный американский консерватизм: социокультурный аспект // Власть. – 2013. - №12. – С. 107.

масалалардан бири сифатида дин ва эътиқод омили намоён бўлади. Маданият ва ахлоқдаги инқироз дин омилига эътибор қаратишни тақозо қилди. Янги консерватив оқимлар, хусусан, неоконсерватизм сўнгги ўн йилликлар давомида маданият, ахлоқ, одоб ва урф-одатлардаги характерли салбий тенденцияларга эга бўлган аҳолининг кенг қатламлари норозилик кайфиятидан фойдаланишга ҳаракат қилди. Хусусан, кенг тарқалган порнография ва оилавий анъаналарнинг бузилиши ҳолатлари ахлоқий-диний анъанавийлик нуқтаи назаридан кескин танқид қилиниб, мазкур деструктив тенденцияда либерализм, социал-демократия ва марксизм ғоялари айбланди.

АҚШ неоконсерватизмида анъанавий ва патерналистик консерватизм тарафдорларичалик дин омили мафкура асосига қўйилмасида, дин ва эътиқод масаласи янги консерватив қарашлар шаклланишида муҳим ўрин тутиши инобатга олинади. Хусусан, Юрген Хабермас неоконсерватив таълимотнинг асосий белгисини модернизмнинг таъсири туфайли юзага келган ва протестант этикасига асосланган капиталистик жамиятнинг ахлоқий иқлимига таҳдид солувчи маданий ўзгаришларнинг салбий ролини англашда кўради³.

Умуман, замонавий сиёсатшунослик ҳамда геосиёсий тадқиқотларда дин омилига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кишилиқ жамияти ривож шунини кўрсатадики, дунёдаги бирор бир дин қарама-қаршилик, ёвузлик ва инсониятга қарши ғояларни намоён қилмайди. Аммо тарихан кўпгина низо ва қарама-қаршиликларнинг келиб чиқиши дин омили билан боғланади. Бугунги замонавий даврда ҳам турли “ақлий марказлар”, таниқли сиёсатшунос ва хаттоки йирик давлатлар расмий сиёсати даражасида ҳам дин ички ва ташқи сиёсий манфаатлар ижросида муҳим ўринга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратишади. Геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар учун дин восита бўлиб хизмат қилмоқда. Муайян давлатлар сиёсий тизимларида мустаҳкам ўринга эга бўлган мафкуравий оқимлар, хусусан, замонавий неоконсерватизмда ҳам дин омилидан самарали фойдаланишга эътибор

³ Хабермас Ю. Политические работы. М., 2005. – С. 12-13.

каратишади. СССР парчалангач АҚШ неоконсерваторлари учун “янги душман” сифатида “исломизм” эътироф этилди.

Ғарб давлатларида, айниқса АҚШда исломнинг қайта жонланиши сиёсий барқарорликка таҳдид сифатидаги омил деб тушунилади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ислом жамиятларида кузатилган ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жараёнлар, ислом аъаналарига қайтишни тарғиб қилувчи оқимлар таъсирининг ортиши глобал миқёсдаги ислом инқилоб таҳдиди қўрқувини ва янада ғарб дунёсида тарихий илдизларга эга бўлган “исломофобия”нинг ортишига сабаб бўлди. Айнан шу ҳодисалардан кейин ғарб оммавий ахборот воситаларида кенг қамровли ислом таҳдиди тушунчаси юритила бошлади. Бу каби ташвиқот руҳидаги олиб борилган илмий ишлар муаллифлар ишларида ислом ҳаракатлари томонидан уюштирилган халқаро йирик ҳодисалар ривожини тахлили, христиан ва ислом маданиятлари тўқнашуви яқинлашиб келаётгани ҳақидаги баҳслар акс эта бошлади.

Неоконсерватизмнинг таниқли назариётчиларидан бири, “неоконсерватизм патриархи” Н.Подгорец (Америка яҳудий комитети асос солган “Комментарий” журнали ношири) ўз ишларида бутун мусулмон оламини қайта шакллантиришнинг неоконсерватив асосларини изоҳлайди. Янги тарихий кураш сифатида исломга қарши “салиб юриши” ва исломни қабул қила олмаслик “яхши” ва “ёвуз” ўртасидаги курашга чақириқ сифатида намоён бўлди. Ва бунда у “исломофашизм” тушунчасини қўллаш орқали унга қарши кураш коммунизм ва нацизмга қарши кураш билан алмашилиш зарурлигини таъкидлайди⁴.

Экстремизмга шунчаки бўёқ берилмай, балки муайян сиёсий кучлар ундан фойдаланган ҳолда, Ғарбда янги “душман образи”ни яратиш ва шу асосда турли минтақаларда ҳарбий ҳаракатлар ва “анти террор урушлари”ни юритишнинг америкача усуллари оқлашга интиладилар. Жумладан, америкалик неоконсерватив эксперт Даниел Пайпс ўзининг “исломизм – бу фашизм” каби баёнотлари билан машҳур.

⁴ Қаранг.: Podhoretz N. World War IV. The long Struggle against Islamofascism. – New York:Doubleday,2007.

Шу ўринда АҚШ неоконсерваторлари қарашларида ислом дини ва “исломизм” умумлаштириб юборилишини кузатиш мумкин. Ислom динига эътикод қилувчи ҳар қандай “тартиббузар”, “қонунбузар” ва ислом жамияти аъзоси радикал сифатида гавдалантирилади. Ислom жамиятларидаги тарихан таркиб топган тартиботлар фундаментализм сифатида намоён этилади. Хусусан, Вашингтон Яқин Шарқ Институтининг эксперти М.Крамeр барча исломий ташкилотларни фундаменталист ва демократияга қарши ташкилотлар сифатида баҳолайди⁵.

Барча неоконсерватив руҳдаги тадқиқот марказларидаги исломий ташкилотларга бўлган муносабатнинг яқдиллигини уларнинг кўпчилиги Исроил манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган ҳаракат сифатида баҳолашга асос бўлмоқда. АҚШ жамиятида ислом динига бўлган муносабат тобора салбий тус олаётганлигини баъзи тадқиқотлар натижалари кўрсатиб турибди. Масалан, П.Амиабх замонавий АҚШ жамиятида “исломга қарши хурофот” кенг тарқалиб бораётганлигини кўрсатадиган статиска натижаларини маълум қилади. Унга кўра америкаликларнинг 21 фоизи ислом динини миллий хавфсизликка таҳдид деб билишади, сўров иштирокчиларининг 39 фоизи эса мусулмонлар махсус гувоҳномаларга эга бўлишлари керак, деб ҳисоблашган. Шу билан бирга аҳолининг 35 фоизи ислом динига хайрихоҳ эмаслигини маълум қилишган⁶.

Умуман, таҳлиллар шуни кўрсатадики, АҚШ неоконсерваторлари қарашларида ислом дини омилига бир томонлама – манипуляцион ёндашув устунлик қилиши намоён бўлади. Масалан, кўпчилик неоконсерваторлар учун нодемократик, хусусан, исломий давлатларни модернизация қилиш ғоялари негизида асосий муаммоли масала тузумнинг нодемократик эканлиги эмас, балки мамлакатлар раҳбарлари ва сиёсий элитасининг АҚШ манфаатларига қанчалик жавоб беришидир. Бундан ташқари, кучли “исломофобия” исломий жамиятларнинг яққаланишини таъминлашга

⁵ Kramer M. Islam vs. Democracy //Commentary, January 1993. – P.35-42.

⁶ Amitabh P. A Religion of peace? Islam and its heritage of nonviolence // Diogenes. – Thousand Oaks, 2017. – Vol. 61 (3–4). – P. 71–72.

қаратилганлиги аён бўлади. Турли иқтисодий жазо чораларидан ҳадиксировчи исломий жамиятлар ўзаро яқин интеграцион муносабатларни ўрнатиши қийин кечади. Шу билан бирга неоконсерватив ғояларнинг халқаро даражада диний бағрикенглик тамойилларига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳам янада яққол намоён бўлмоқда.